

Менинг ҳам Боязид исмли ўғлим бор



15:30 / 20.06.2019 3440

Муҳаммад Ҳабиб Нақшбандий ҳазратлари айтадилар:

Ҳазрати Боязид Бистомий раҳматуллоҳи алайҳ бизнинг нақшбандия силсиланинг улуғларидандир. У киши ҳақларида Ҳазрати Жунайд Бағдодий раҳматуллоҳи алайҳ шундай деганлар: «Жаброил алайҳиссаломнинг бошқа фаришталар ичида қандай мақоми бўлса, Боязиднинг ҳам Аллоҳнинг валийлари ичида шундай мақоми бор».

Яна у киши ҳақларида шундай ёзилади:

Боязид болалигидаёқ отадан етим қолган эди. Онаси у кишини мадрасага киритадилар ва қори жанобларига, уйга келиб-кетиши сабабли мадрасадан бешиб қолмасин дея, уни тез-тез уйга боришига йўл қўймасангиз дедилар. Шундай қилиб қори жаноблари уни бир неча кун мадрасада олиб қолди. Бола бир куни қори жанобларига, мен уйга боришни хоҳлайман деди. Устоз жуда кўп дарсни зиммасига юклади ва ёд олиб бўлгач, уни уйга боришига ижозат берди.

Боязид Бистомий раҳматуллоҳи алайҳ уйга келдилар ва эшикни тақиллатдилар. Ўша пайтда оналари таҳорат олаётган эдилар. Эшик тақиллашидан Боязид келганини пайқадилар. Бироқ, агар ҳозир эшикни очиб уйга киритсам, у ҳолда бола уйга келишга одатланиб қолади ва

мадрасага бормай қўяди деб ўйлаб қолдилар. Шундай қилиб, эшикга яқин келиб турдилар ва эшикни тақиллатган ким? деб сўрадилар. Боязид деган жавоб олдилар. Шунда, она : «Менинг ҳам Боязид исмли ўғлим бор эди. Мен уни Аллоҳнинг дини учун мадрасага ташлаб келганман. Ундоқ бўлса, эшикни тақиллатаётган Боязид ким?» дедилар. Бола ўта ақлли эди. Онам мени дин илмини ўрганишимни хоҳлайдилар деб англаб етди. Шунинг учун ортга қайтиб мадрасага кетди ва олиму фозил бўлмагунича мадрасадан чиқмади.

Абдулқайюм Комил таржимаси